





Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Бизнес кайфияти шарҳи

2024 йил I чорак



Бизнес қайфияти шарҳи – Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидағи иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик муҳити ва бандлик билан боғлиқ тенденцияларни муқобил индикаторлар орқали ўзида ифода этади.



Ушбу шарҳ жорий йилнинг I чорагидаги мамлакатда шаклланган бизнес қайфиятини ўрганиш мақсадида 2024 йилнинг апрель ойида ҳудудларда ўтказилган сўров натижалари асосида тайёрланди. Сўровда иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритувчи икки мингдан ортиқ тадбиркорлар ижтимоий тармоқлар орқали иштирок этди. Бунда, тадбиркорлик фаолияти ўйналишларини кенгрок қамраб олиш ва репрезентативликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Сўровнома ҳудудлардаги иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик шароитлари ва муҳитига таъсир қилувчи омиллар, энергия истеъмоли ҳажми ўзгариши, юқ ташишдаги кўрсаткичлар, соҳалардаги ишчи кучига бўлган талаб, бандлик даражаси, савдо ҳажми ҳамда соҳа истиқболи бўйича жорий ҳолат ва кутималарни аниқлаш бўйича саволлардан ташкил топган.

Ҳар бир саволга бир неча жавоб вариантлари бирютирилган бўлиб, қатнашуечилар томонидан бир пайтнинг ўзида улардан бир ёки бир нечтаси танланиши мумкин. Натижалар ҳар бир жавоб вариантини танлаганлар сонини умумий жавоблар сонига бўлиш ва алоҳида гуруҳлар бўйича вазнили коэффициентлар қўллаш орқали умумлаштирилган. Умумлаштирилган маълумотлар тақсимот қоидалари асосида таҳлил қилиниб, ўртacha кўрсаткичлар билан таққосланилган.

Таҳлиллар мамлакатнинг турли ҳудудларидаги иқтисодий шароитларни қиёсий таққослаш ва уларнинг ўзгариши тенденцияларини сифат жиҳатдан ўрганиш имконини беради.

Умумий хулосалар

Тадбиркорлик мұхити

Сұровнома иштирокчилари жавобларига күра, 2024 йилнинг дастлабки чорагида мамлакатда тадбиркорлик шароитлари ва мұхити турли ҳудудларда турлича шаклланди. Хусусан, юқори бизнес кайфиятлари Андижон, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида шаклланган бўлса, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида бизнес юритиш шароитлари ва иқтисодий фаоллик аввалги чорак даражасида ўзгаришсиз қолғанлиги маълум бўлди.

Сўров иштирокчилари томонидан бизнес юритишда банк хизматлари, кредит олиш имкониятлари, рақобат мұхити, лицензия ва гувоҳномаларни олиш шароитлари яхшилангани кўрсатилди. Шунингдек, божхона тариф ва нотариф чекловлари, солиқ маъмурчилиги ва монополлашув даражаси бўйича яхшиланishi камроқ респондентлар қайд этди.

Иқтисодий фаоллик

I чорақда тадбиркорлик шароитлари яхшиланиши фонида ишлаб чиқариш ва буюртмалар ҳажми ҳамда қўшимча ишчи кучига талаб ортганлиги кузатилди. Аксарият бизнес вакиллари томонидан юкларни ташиш ва кредит тўловлари ҳажми деярли ўзгармаганлиги маълум қилинди.

Сўровда қатнашган соҳа вакилларининг 35 фоизи тўлиқ қувватда фаолият олиб борганлигини билдириди. Тадбиркорлар томонидан тўлиқ фаолият юритмасликка газ ва электр таъминотида узилишларнинг кўпайгани, солиқ маъмурчилигидаги муаммолар, автомобиль ёнилғиси нархи қимматлашгани ва айланма маблағининг етарли эмаслиги асосий омиллар сифатида баҳоланди.

Бандлик

Жорий йилнинг I чорагида ишчи кучига бўлган талаб ўтган чоракка нисбатан ортган. Ҳудудлар кесимида ишчи кучига талаб Самарқанд, Тошкент ва Андижон вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида, соҳалар кесимида эса молия, майший хизматлар, туризм ва ишлаб чиқариш соҳаларида кўпайганлиги кузатилди. Келгуси чорақда қўшимча ишчи кучига юқори эҳтиёж ишлаб чиқариш, қурилиш ва туризм соҳаларида вужудга келиши кутилмоқда.

Ҳудудлар кесимида Самарқанд, Фарғона ва Андижон вилоятларида қўшимча ишчи кучига юқори эҳтиёж шаклланиши кутилмоқда. Хоразмда кўпчилик респондентларнинг кутилмалари бу борада ўзгаришсиз қолмоқда.

Пул-кредит

Сўнги икки чорак давомида кредит олиш имкониятлари яхшиланганига қарамасдан аксарият тадбиркорларнинг қарз юкламалари ўзгаришсиз қолмоқда. Кредит ва улар бўйича фоиз тўловлари 20 ва ундан ортиқ ходимлари бор корхоналарда ортган.

Умуман олганда, аксарият тадбиркорлар келгуси чорақда кредит олишни режалаштироқдалар. Олдинги чоракка нисбатан, Бухоро вилоятида ва Тошкент шаҳрида келгусида янги кредитларга юқори талаб шаклланиши кутилмоқда.

Истиқболлар

Сўровда иштирок этган кўпчилик соҳа вакиллари яқин 3 йилда мамлакат иқтисодиёти ҳамда бизнес истиқболларини ижобий баҳолашмоқда.



Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти

2024 йилнинг I чорагида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида сўровда иштирок этган аксарият бизнес вакиллари тадбиркорлик шароитлари яхшиланганини маълум қилди ва уларнинг улуши аввалги чоракка нисбатан 5 фоиз бандга ошиб, 58 фоизга етди.

Мазкур даврда бизнес кайфиятларининг яхшиланишига банк хизматлари ва кредит олиш имкониятларининг кенгайгандиги, рақобат мұхитидаги ижобий ўзгаришлар, лицензиялар ҳамда рухсатномалар олиш жараёнининг соддалашгани сабаб сифатида кўрсатилди.

Шу билан бирга, божхона тарифлари ва чекловлари, монополлашув даражаси ва солик маъмуриятчилеги соҳасида ўзгаришлар кузатилмагани таъкидланди.


Бундан ташқари, аввалги чоракка нисбатан йўл инфратузилмаси ҳолатининг ёмонлашганини таъкидлаган респондентлар улуши 7 фоизга ўсган.

Коммунал хизматлар соҳасидаги тадбиркорлар умумий фаоллиги пасаймоқда. Бу соҳада қўшимча ишчи кучига бўлган талаб, буюртмалар сони ва ишлаб чиқариш ҳажми аввалги чоракка нисбатан камайган.


Шунингдек, таълим соҳасидаги тадбиркорларнинг фаоллиги ва оптимистик кайфияти ҳам бироз пасайган. Рақобат мұхити, солик маъмурчилиги, лицензиялар олиш ва маъмурий аралашувлар бўйича яхшиланишларни сезган тадбиркорлар фоизи ўтган чоракка қараганда қисқарган. Туризм, тиббиёт ва умумий овқатланиш соҳаларида эса иқтисодий фаолликнинг жонланиши кузатилган.

Мазкур давр давомида респондентларнинг 80 фоизи тўлиқ кувватда ишламаганligини билдириди. Паст кувватларда асосан якка тартиbdаги ва кичик тадбиркорлар (20 тагача ишчи ходимга эга) фаолият кўрсатган.


1-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



2-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



3-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти

Тўлиқ фаолият юритмасликка талабнинг етарли эмаслиги, ижара харажатларининг юқорилиги таъсир кўрсатган. Ўрта ва юқори қувватлардаги фаоллик, кафе-ресторан, таълим ва молия соҳаларида кузатилди.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Сўров иштирокчиларида келгусида ёқилғи ва энергия истеъмоли ортиши бўйича ижобий кутилмалар мавжуд. Бунда, юқори кутилмалар, асосан, тиббиёт, қурилиш ва ташиш хизматлари соҳаларига тўғри келмоқда. Таълим ва умумий овқатланиш соҳаларида эса ёқилғи ва энергия истеъмоли ошишига бўлган кутилмалар аввалги чоракка нисбатан пасайган.

Юкларни ташиш ҳажмлари ортиши бўйича кутилмаларда ижобий тенденциялар сақланиб қолинган. Ташиш ҳажмлари бўйича кутилмалар фақатгина кафе-ресторан ҳамда қурилиш соҳаларида бироз пасайиши кутилмоқда.


Қўшимча ишчи кучига талаб, асосан, молия, ишлаб чиқариш ва майший хизматлар соҳаларида шаклланиши кутилмоқда.

Аксарият бизнес вакиллари келгусида ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишини режалашибтирган. Улар орасида хунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилиш соҳаларида кутилмалар яхшиланиб бормоқда.


Келгусида, кредитга бўлган эҳтиёж ортишини 54 фоиз тадбиркорлар кутмоқда. Молия, туризм, умумий овқатланиш ва майший хизмат соҳаларида аввалги чоракка нисбатан кредитга эҳтиёж ортиши билдирилган.

Тадбиркорларнинг ўрта муддатли иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича ижобий кутилмалари юқорилаган. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболларини ижобий баҳолаганлар улуши 69 фоизни ташкил этди (аввалги чоракда 63 фоиз).


4-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



5-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



6-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





Бухоро, Навоий, Самарқанд

2024 йилнинг I чорагида Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари тадбиркорларининг 59 фоизи бизнес юритиш шароитлари яхшиланганлигини қайд этишди. Фан-таълим, тиббиёт ва қурилишда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг бизнес кайфиятлари юқори ўсган. Туризм ва ташиб соҳаларида бизнес шароитлари яхшиланганини қайд этганлар улуши аввалги чоракка нисбатан бироз пасайган.

Чорак давомида банк хизматлари сифати, рақобат муҳити яхшилангани ҳамда кредит ва лицензиялар олиш жараёни соддалашгани маълум қилинди.

Ушбу ҳудудда солиқ маъмурчилиги, божхона тарифлари ва чекловлари ҳамда газ ва электр таъминотида ижобий ўзгаришлар рўй бермаётгани таъкидлаб келинмоқда.

Умуман олганда, чорак давомида молия ва қурилиш соҳаларида иқтисодий фаоллик ошган бўлса, аксинча, тиббиёт ва туризм соҳаларида фаоллик бироз пасайган.


Ёқилғи ва энергия истеъмолининг ўсиши ўтган чоракка нисбатан камайган. Ўсишнинг асосий секинлашиши ташиб хизматлари ва умумий овқатланиш соҳаларида кузатилган. Фақатгина қурилиш ва ишлаб чиқариш соҳаларида энергия истеъмоли бироз ошган.

Юк ташиб ҳажмининг ўсиши олдинги чоракка нисбатан бироз секинлашган. Бунда, асосан, умумий овқатланиш ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида юк ташиб камайган.

Кўшимча ишчи кучига бўлган талаб ўртача ҳисобда ошган, асосий ўсиш ҳунармандчilik ва майший хизматлар соҳаларида кузатилган. Бироқ туризм ва таълим соҳаларида талаб бироз камайган.

Буюртмалар ҳажми биринчи чоракда ошган бўлиб, таълим, тиббиёт ва ҳунармандчilik соҳаларида катта ўсиш кузатилган. Кредитлар ва улар бўйича тўловларнинг ҳажми эса аввалги чорак даражасида ўсган.


7-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



8-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



9-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Бухоро, Навоий, Самарқанд

Тадбиркорларнинг 80 фоизи сўнгги чорақда тўлиқ қувватда фаолият юритмаган. Ўрта ва юқори қувватлардаги фаоллик асосан, йирик корхоналарда, хусусан, молия, тиббиёт ва таълим соҳаси вакилларида кузатилган.

Тўлиқ фаолият юритмасликка асосан, айланма маблағнинг камлиги, солиқ тизимидағи қийинчилликлар, газ ва электр таъминотидаги узилишлар сабаб бўлган.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Аксарият тадбиркорлар ўз соҳаларида ёқилғи ва энергия истеъмоли ошишини кутишмоқда. Энергия истеъмоли юқори ўсиши ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳаларида кузатилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш, қурилиш ва савдо соҳаларида юкларни ташиш ҳажмлари ортишини кутишмоқда.

Шунингдек, қурилиш ва ишлаб чиқаришда қўшимча ишчи кучига талаби ошишини билдирганлар кўпчиликни ташкил этмоқда.


Ишлаб чиқариш ҳажмлари ортиши бўйича ҳунармандлар ва майший хизмат кўрсатувчиларда ижобий кутилмалар шаклланмоқда.

Молия, туризм ва умумий овқатланиш соҳаларида буюртмалар юқори ошиши кутилмоқда.

Келгуси чорақда қўшимча кредитга юқори эҳтиёж ишлаб чиқариш, умумий овқатланиш ва савдо вакиллари томонидан шаклланishi маълум қилинди.

Сўровда қатнашган респондентларнинг 70 фоизи келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболларини ижобий баҳолашмоқда. Ижобий кутилмалар молия, тиббиёт, ишлаб чиқариш ҳамда савдо соҳаси вакиллари томонидан таъкидланди.

10-расм. Айрим қунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



11-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



12-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





Андижон, Наманган, Фарғона

2024 йилнинг I чорагида Фарғона водийсида бизнес юритиш шароитлари яхшиланганини қайд этган тадбиркорлар улуши аввалги чоракка нисбатан сезиларли пасайган (64 фоиздан 56 фоизгача).

Ушбу ҳудудда бизнес томонидан рақобат муҳити, кредит олиш имкониятлари ва банк хизматлари сифати чорак давомида яхшилангани таъкидланган бўлса, йўллар инфратузилмаси, солиқ маъмурчилиги, лицензия ва гувоҳномаларни олиш ҳамда божхона тариф ва нотариф чекловларида ижобий ўзаришлар қайд этилмаган.

Шунингдек, аксарият тадбиркорлар газ ва электр таъминоти ёмонлашганини таъкидлаган. Ҳавотирлар асосан, коммунал хизмат, тиббиёт ва ташиш хизматлари вакиллари томонидан билдирилган.

Йўллар инфратузилмаси ўтган чоракка нисбатан ўзарисиз қолган. Шунингдек, инфратузилмадаги ёмонлашувни коммунал, ташиш хизматлари ва тиббиёт соҳаси вакиллари кузатганлар.


Чорак давомида ёқилғи ва энергия истеъмоли ўсиши коммунал, хунармандчилик ҳамда ташиш хизматлари вакиллари томонидан кузатилган. Ҳунармандчилик, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва таълим соҳаларида кўшимча ишчи кучига талаб юқорироқ ошган бўлса, умумий овқатланиш, алоқа ва тиббиётда талаб ўсиши паст даражада бўлди.

Сўнги икки чорақда аксарият тадбиркорлар кредит тўловларини оширгмаган бўлиб, фақатгина ташиш хизматлари ва савдо вакилларида кредит тўловлари кўпайган.


Бизнес вакилларининг 65 фоизи тўлиқ қувватда ишламаганлигини маълум қилган. Ўрта ва юқори қувватлардаги фаоллик асосан, коммунал, туризм, алоқа ва тиббиёт соҳаларида кузатилган.

Ишлаб чиқариш ва умумий овқатланиш соҳалари фаолиятида узилишлар ва ишламаганлик кунлари кўпроқ бўлган.


13-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзариши, респондентлар улуши, фоизда



14-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



15-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Андижон, Наманган, Фарғона

Тўлиқ фаолият юритмаслик сабаблари сифатида газ ва электр таъминотидаги узилишлар, шунингдек, талабнинг етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Келгуси чорақда энергия истеъмоли юқори ўсишини ташиш хизматлари, умумий овқатланиш ва тиббиёт соҳаси вакиллари кутишмоқда.

Юкларни ташиш ҳажмлари ортишини таҳмин қилаётган тадбиркорлар улуши аввалги чоракка нисбатан кўпайган. Кутилмалар ўсиши асосан, етказиб бериш, овқатланиш ва қишлоқ хўжалиги томонидан қайд этилди.

Қўшимча ишчи кучига талаб ўрта ҳисобда ўсиши кутилмоқда. Ҳусусан, талабнинг ўсиши фан-таълим, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларида кузатилиши мумкин.


Умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларида келгуси ойларда ишлаб чиқариш ҳажмлари кўпайишини кутишмоқда.

Аксарият бизнес вакиллари буюртмалар ҳажми ошишини таҳмин қилмоқда. Улар орасида коммунал хизматлар, етказиб бериш, молия ва ишлаб чиқаришдаги соҳа вакилларининг кутилмалари яхшиланниб бормоқда.


Қўшимча кредит маблағларига эҳтиёж ортишини билдирганлар камчиликни ташкил этмоқда. Фақатгина умумий овқатланиш ва савдода қўшимча кредитларга эҳтиёж кузатилиши мумкин.

Сўровда қатнашган респондентларнинг келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалари аввалги чоракка нисбатан бироз пасайган бўлса-да, умумий ҳисобда ижобий шаклланмоқда (73 фоиздан 69 фоизгача).


16-расм. Айрим қунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



17-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



18-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





Қашқадарё, Сурхондарё

2024 йилнинг I чорагида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тадбиркорлик юритиш шароитлари яхшиланган. Қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш вакиллари бизнес шароитлари яхшиланганини кўпроқ сезишган.

Худудда банк хизматлари сифати ва рақобат муҳити яхшилангани, кредит олиш имкониятлари ортгани, маъмурий аралашувлар қисқаргани фаолият юритишга ижобий таъсир кўрсатганлиги таъкидланди.

Аксинча, божхона чекловлари, солиқ маъмурчилиги, газ ва электр таъминотидаги муаммоларда ижобий ўзгаришлар кузатилмаган.

Ёқилғи ва энергия истеъмоли чорак давомида ўртача ҳисобда ортган бўлса, юкларни ташиш ҳажми ўзгармаган.


Қўшимча ишчи кучига талаб ўзгармаган. Фақатгина ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигига талаб бироз ошганлиги таъкидланди.

Маиший хизматлар ва қишлоқ хўжалиги вакиллари томонидан ишлаб чиқариш ҳажмлари ортганини таъкидланган. Буюртмалар ҳажмида ўсиш асосан, умумий овқатланиш ва таълим соҳасида шаклланган. Кредитлар ва қарз тўловлари чорак давомида ўзгармаган.

Тадбиркорларнинг 77 фоизи фаолиятини тўлиқ юритмаганини билдирган бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган чоракка нисбатан юқорироқ бўлди (аввалги чоракда 72 фоиз). Ўрта ва юқори қувватларда тиббиёт ва таълим соҳалари фаолият юритган.

Сўнги икки чорақдан буён аксарият тадбиркорлар тўлиқ фаолият юритмаслигига айланма маблағларининг етарли эмаслиги, солиқ тизимидағи қийинчиликлар ҳамда талабнинг қутилгандан қамроқ бўлгани салбий таъсир кўрсатганлигини таъкидладилар.


19-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



20-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



21-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Қашқадарё, Сурхондарё

Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Соҳаларда ёқилғи ва энергия истеъмоли ошишини кутаётган тадбиркорлар улуши аввалги чоракка нисбатан ошган. Энергия истеъмоли ўсиши бўйича кутилмаларни ишлаб чиқариш, майший хизматлар ва қурилиш соҳаси вакиллари юқори баҳолашмоқда.

Юкларни ташиб ҳажмлари ортиши асосан, умумий овқатланиш ва майший хизмат вакиллари томонидан билдирилди.


Қўшимча ишчи кучига талаб ортишини кутаётганлар улуши олдинги чоракка нисбатан бироз ошган (51 фоиздан 55 фоизга). Талабнинг ўсиши, асосан, тиббиёт, умумий овқатланиш ва таълим соҳаларида кутилмоқда.

Ишлаб чиқариш, майший хизмат, кафе-ресторан, фан-таълим ва тиббиёт соҳаларида келгуси ойларда буюртмалари ва ишлаб чиқариш ҳажмлари кўпайишини кутишмоқда.

Аксарият респондентлар қўшимча кредит олишни режалаштирганлар. Улар орасида ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги вакилларида кўпроқ эҳтиёж намоён бўлди.

Худуд тадбиркорларининг 69 фоизи келгуси 3 йилда мамлакатнинг иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича ижобий ўзаришлар кутишмоқда.

22-расм. Айрим қунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



23-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



24-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





Жиззах, Сирдарё

2024 йил I чораги якуни бўйича 54 фоиз респондентлар худудда бизнес юритиш шароитлари яхшиланганини қайд этишиди (аввалги чоракда 51 фоизга тенг бўлган).

Худудда ташиб хизматлари, умумий овқатланиш ва ишлаб чиқариш соҳаларида бизнес юритиш шароитларида ижобий ўзгаришлар бўлганлиги қайд этилган бўлса, алоқа, молия ва қурилишда шароитлар олдинги чоракка нисбатан ўзгармаганлиги таъкидланди.

Шу ўринда, худудларда рақобат муҳити, газ ва электр таъминоти ҳамда банк хизматлари сифати яхшиланётганлигини билдирганлар кўпчиликни ташкил этмоқда. Солик маъмурчилиги, маъмурӣ аралашувлар ва йўллар инфратузилмаси бўйича ижобий ўзгаришлар кузатилмаганлиги таъкидланган.

Чорак давомида ёқилғи ва энергия истеъмоли ошиши ташиб хизматлари, таълим ҳамда умумий овқатланиш соҳаларида кузатилган. Қурилиш ва майший хизмат вакиллари энергия истеъмолини аввалги чоракка нисбатан бироз камайтирган.


Шунингдек, мазкур даврда ушбу соҳа вакилларининг қўшимча ишчи кучига талаби ортган. Барқарор талаб ташиб хизматлари, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш вакиллари томонидан билдирилди.

Етказиб бериш, майший хизмат ва ишлаб чиқариш соҳаларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмлари ошгани маълум қилинди.


Буюртмалар ҳажми ўсиши ташиб хизматларида, тиббиёт ва молия соҳаларида сезилди.

Таълим ва коммунал хизматлар соҳаларидан ташқари барча соҳаларда кредит ва қарз тўловлари ҳажми ўзгармаган.


25-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



26-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



27-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Жиззах, Сирдарё

Бизнес вакилларининг 70 фоизи тўлиқ қувватда ишламаганлиги маълум қилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган чоракка нисбатан яхшироқдир (аввалги чоракда 75 фоиз). Ўрта ва юқори қувватлардаги фаоллик, асосан, умумий овқатланиш, фан-таълим ва етказиб бериш соҳаларида кузатилган.

Молия, ишлаб чиқариш ва тиббиёт соҳаларида узилишлар ва ишланмаган кунлар кўпроқ бўлган. Тўлиқ фаолият юритмаслик сабаблари сифатида солиқ тизимидағи қийинчиликлар, айланма маблағларнинг етарли бўлмаслиги ва ижара харажатларининг юқорилиги кўрсатиб ўтилган.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Келгуси чоракда энергия истеъмоли юқори ўсиши ташиш хизматлари, ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳаси вакиллари томонидан кутилмоқда.


Қўшимча ишчи кучига талаби ўсиши борасида ижобий кутилмалар кўпчилик тадбиркорлар томонидан шаклланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва етказиб бериш вакилларида буюртмалар ҳажми ортиши ва шунга мос равишда юқ ташиш ҳажмлари ҳам кўпайиши кутилмоқда.

Тадбиркорларнинг 44 фоизи келгусида кредитга эҳтиёжи шаклланишини маълум қилди. Кредит маблағларига эҳтиёж борасида кутилмалар олдинги чоракка нисбатан ошган (ўтган чоракда 37 фоиз).

Сўровда иштирок этган респондентларнинг 57 фоизи (аввалги чоракда 54 фоиз) келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболларига ижобий баҳо беришмоқда.


28-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



29-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



30-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





Қарақалпоғистон, Ҳоразм

Худудда тадбиркорлик билан шуғуланиш шароитлари яхшиланганини маълум қилганлар кўпчиликни ташкил этмоқда (57 фоизга тенг, аввалги чоракда ушбу кўрсаткич 62 фоизни ташкил этган).

Мазкур даврда барча кўрсаткичларда ўтган чоракка нисбатан пасайиш кузатилган бўлса-да, аксарият респондентлар ижобий ўзгаришларни қайд этди. Хусусан, рақобат муҳити, йўллар инфратузилмаси ҳамда газ ва электр таъминотининг яхшиланганини билдирганлар, шунингдек, лицензия ва гувоҳномалар олиш жараёнлари соддалашганини маълум қилганлар кўпчиликни ташкил этди.

Шу ўринда, соҳада маъмурий аралашувлар ҳамда монополлашув даражаси ортганини таъкидлаганлар улуши аввалги чоракка нисбатан кўпайди.


2024 йилнинг I чорагида аксарият соҳа вакиллари буюртмалари, ишлаб чиқариш ва юкларни ташиш ҳажмлари, ёқилғи ва энергия истеъмоли ҳамда қўшимча ишчи кучига талаби ўзгаришсиз қолганлигини билдириди.

Худудда буюртмалари ҳажми ошганини маълум қилганлар улуши аввалги чоракка нисбатан 11 фоизга камайди. Бунга мос равишда ишлаб чиқариш ҳажмлари (ўтган чоракка нисбатан 10 фоизга), юкларни ташиш (11 фоиз) ҳамда қўшимча ишчи кучига талаби (9 фоиз) ошганини қайд этганлар улусида ҳам қисқариш кузатилди.


Ишчи кучига талаб кафе-ресторан, савдо, фан-таълим, қишлоқ хўжалиги, ташиш хизматлари ва савдода ўзгаришсиз, ишлаб чиқариш, майший хизмат, тиббиёт ва туризм соҳаларида эса ортгани қайд этилди.

Чорак давомида кредит ва қарз тўловлари ўсиши мос равишда ишлаб чиқариш, майший ва туризм соҳаларида шаклланди.


31-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



32-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



33-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Қарақалпоғистон, Ҳоразм

Бизнес вакилларининг 74 фоизи тўлиқ қувватда ишламаганлигини маълум қилган бўлса, айланма маблағларининг етишмаслиги, талабнинг нисбатан камроқ бўлгани, газ ва электр таъминотидаги узилишлар ҳамда солик тизимидағи қийинчиликлар айрим соҳаларнинг тўлиқ қувватда ишламаслигига сабаб бўлди.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар


Сўровда қатнашган тадбиркорларнинг деярли 50 фоизи келгуси ойларда энергия истеъмоли ўзгаришсиз қолишини кутмоқда. Шунга мос равишда ишлаб чиқариш, юкларни ташиш ҳамда ишчи кучига талаби ўзгаришсиз қолишини кутаётгандар улуши ҳам кўпроқ бўлди.

Молия, туризм, майший хизмат, қурилиш ҳамда фан-таълим соҳаларида оптимилик кутилмалар шаклланган бўлиб, буюртмалар ҳажми, юкларни ташиш, ёқилғи истеъмоли, ишчи кучига талаби ошишини кутаётгандар кўпчиликни ташкил этмоқда.


Бизнес вакилларининг қўшимча кредитга талаби жонланиши кутилмоқда. Бунда, аксарият вакиллар қурилиш, майший хизмат, фан-таълим, туризм, молия, алоқа ва ахборот ҳамда савдо соҳаларида кредит олишга қўшимча талаби ортишини билдирилар.

Сўровда қатнашган респондентларнинг 65 фоизи келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболларига ижобий баҳо беришди (аввалги чоракда ушбу кўрсаткич 69 фоизга тенг бўлган).

34-расм. Айрим қунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



35-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



36-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда

